

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ МАЪМУРИЙ ИШ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*ИИВ АКАДЕМИЯСИ
316-ГУРУХ КУРСАНТИ
ҒАНИЕВ.Ж.О*

Аннотация: Мақолада профилактика инспекторининг маъмурӣ иш юритиши фаолияти ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари, маъмурӣ иш юритиши тартиби ўзи нима эканлиги, маъмурӣ ишни юритиши тушунчаси, мазмун-моҳияти, профилактика инспектори маъмурӣ иш юритиши фаолияти тартибининг хуқуқий асослари, профилактика инспектори- нинг маъмурӣ иш юритишида қандай хуқуқ ва мажбурият- лари бор эканлиги, профилактика инспекторининг маъму-рий ишни юритишида ҳамкорлик масалаларига оид ҳолатлар илмий таҳлил қилинган ҳамда бу борада тегишли таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, маъмурӣ иш юритиши, фаолият, маъмурӣ иш юритиши тартиби, хуқуқий асослар, ҳамкорлик, жамоат хавфсизлиги, хуқуқ тартибот.

Аннотация: В данной статье, имеется в виду управленческая деятельность и ее характеристики по административным делам инспектора профилактики, какова сама административная процедура, понятие, сущность управленческой работы, правовая основа процедуры, какие права и обязанности используется в административном деле инспектор профилактики, дела связанные с вопросами сотрудничества при ведении дела и продвинута предложение этому поводу

Ключевые слова: управленческая деятельность, инспектор профилактики, профилактика, правовая основа, сотрудничества, общественная безопасность, правоохранительная деятельность

ANNOTATION: In this article, a scientific analysis of the prevention inspector in the article management activity and its characteristics , what is the administrative procedure itself, the concept, essence of administrative work preventive inspector's, administrative activities legal basis of the procedure, prevention inspector. What are the rights and obligations, the prevention inspector's administration cases related to issues of cooperation in the conduct of the case scientifically analyzed and relevant proposal in this regard are advanced.

Key words: prevention inspector, management activity, administrative procedure, rights and obligations, cooperation, public safety, law and order

Барчангизга маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали ташкил этилиши халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз барқарорлигини

таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантиришнинг амалий механизмларини тадқик этиш, соҳада мавжуд муаммолар ечими юзасидан амалий ва назарий таклиф ва тавсиялаш ишлаб чиқиш, айниқса, бу борада масъул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва олий юридик таълим муассасалари ҳамкорлигини жадаллаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

“Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир”¹.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда қўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги ПФ-6196-сон Фармонига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига унинг самарадорлигини ошириш ва ортиқча хизмат юкламасини қисқартиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари татбиқ этилади. Унга кўра “Хар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш; худудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуи бўғини ҳисобланади, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади”².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // “Ҳалқ сўзи”. – 2017. – 15 окт.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Профилактика инспекторларининг маъмурий иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида “Рейтинг баҳолаш” тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиқиб, тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек, улар билан олиб борилган профилактик ишлар

натижалари бўйича ҳисботларни юритади. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш чоғида қуйидаги ўзига хос хусусиятларни амалга оширади:

- ❖ шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш;
- ❖ жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- ❖ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирларини кўриш;
- ❖ ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- ❖ жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;
- ❖ ҳуқуқбузарликлар профилактиkasини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Юқорида кўриб ўтилганлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда ҳар бир ривожланган ёки ривожланадиган мамлакатда бўлгани каби Республикализнинг ҳам муҳим тараққиёт йўли мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворга эга бўлган ҳамда ўзида фуқаролик жамиятининг олий даражасини намоён этган, мустаҳкам қонунчиликка асосланган давлатни қуриш тамойилларига асосланади.

Ундан ташқари профилактика инспекторларининг иш фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш мақсадида «**E-ma'muriy ish**» тизимини ташкил этилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон тизим орқали маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шасларга маъмурий баённомалар шакиллантириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб

чиқиши ва ваколатли давлат органлари томонидан тизимдан фойдаланган холда маълумотларни электрон тарзда юритиш. «E-ma'muriy ish» маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органлар томонидан текшириш, зарур маълумотларни олиш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятини беради. «E-ma'muriy ish» тизимини ташкил этиш, унинг сифатли ва узлуксиз фаолият қўрсатишини таъминлаш, шунингдек, маъмурий баённома тузишда, маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, тегишли қарорларни қабул қилиш бунда ваколатли давлат органларининг тизимларидан ҳам самарали фойдаланиш.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси э’лон қилинди.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳамда маҳалла-хукуқ тартибот масканлари профилактика (катта) инспекторлари маҳаллалар, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасалари атрофидаги, якка тартибдаги ва қўп қаватли уй-жой массивларидаги йўлларда аниқланган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлик хукуқбузарликлар юзасидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 248-моддасига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида маъмурий хукуқбузарлик ишларини кўриб чиқиши ва маъмурий жазо қўллаши, кодекс 291-моддасига мувофиқ транспорт воситаларини ушлаб туриши ва кўрикдан ўтказиши ма’лум қилинди.

ИИВ профилактика инспекторларининг бириктирилган ҳудуддаги йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш доирасида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратади:

- тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузган транспорт воситаларни, транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаш, товуш сигналларини сабабсиз бериш ҳолатларини;
 - автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиши, уларга сун’ий нотэқисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун бэрилган рухсатнома талабларини бажармаслик, йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик ҳолатларни аниқлаш ва чора кўриш;
 - мастилик ҳолатидаги шахслар ҳамда вояга етмаганлар томонидан транспорт воситасини бошқариш ҳолатларини аниқлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мансабдор шахсларига хабар бериш.
- Ички ишлар вазирлиги:

Ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳамда маҳалла-хуқуқ тартибот масканлари профилактика инспекторлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини ташкил этиш ҳамда зарур бўлган жиҳозлар билан таъминлаш дастурини тасдиқлайди ва ижросини таъминлайди;

Маҳаллалар, мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профэссионал ва олий таълим муассасалари атрофидаги, якка тартибдаги ва кўп қаватли уй-жой массивларидағи йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича касбий тайёргарликни оширишга қаратилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, профилактика инспекторлари босқичма-босқич ўқитилишини таъминлайди.

➤ Белгилаб қўйилишича:

профилактика инспектори бириктирилган ҳудудда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган йўл-патрул хизмати ходимлари йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда маҳсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўг‘рисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширади;

Профилактика инспектори бириктирилган ҳудуддаги йўлларда бэлгиланган талабларни бажариш бўйича қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар мансабдор шахслари, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийdir;

Профилактика инспектори томонидан ўзига бириктирилган ҳудуддан ташқарида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш тақиқланади.

Профилактика инспекторига бириктирилган маъмурий ҳудудда бошқа ҳудудда яшовчи хуқуқбузар томонидан маъмурий хуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда ушбу шахсни ушлаб туриши ва судга олиб бориш билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд. Хусусан, хуқуқбузарларни ушлаб туриш учун маҳалла хуқуқ тартибот масканида маҳсус хоналар ва техник жиҳозлар ажратилмаган. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш учун маҳалла хуқуқ тартибот масканида маҳсус изоляторларни ташкил этиш ва уларни зарур техник воситалар билан жиҳозлаш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”. – 2017. – 15 окт.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини

сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

3. “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисид”ги қонун.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ Б.А. Матлюбов. 0 Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 112.
5. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун.
6. <https://www.lex.uz>.
7. <https://www.reestr.uz>.
8. <https://www.uz>